

## **А.Темур ва темурийлар даврида савдо йўлларининг раўнақи хусусида**

**Abdumajitov Jahongir Тарих 105-гуруҳ талабаси**

**Илмий раҳбар: ўқит. Ж.Жумаев**

### **Аннотация**

Ушбу А.Темур ва темурийлар даврида савдо йўлларининг раўнақи хусусидаги маълумотлар таҳлили берилган.

**Калит сўзлар:** Амир Темур, савдо, йўллар, Ўрта Осиё, Сиғноқ, Саброн, Ясси, Ўтроп

Кенг халқ оммасида ўзининг ва бутун инсониятнинг тарихий ўтмишини англаб етишга қизиқиши ортиб бораётгани суронли ва мураккаб давримизнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Ҳозирги глобаллашув даврининг зиддиятларга тўлиқ воқелиги мозийга қайтиб, унинг жамики ижобий-салбий жиҳатларига холис баҳо берган ҳолда, келажак учун сабоқ олишни, бугунги куннинг кўплаб масалаларига ўтмишдан жавоб топишни, тарихнинг яширин маъно-моҳиятини англаб ета олишни тақозо этмоқда.

Дарҳақиқат, Амир Темур сиймосига аталган меҳр ва эҳтиром, айниқса, унинг туғилиб ўсган юрти Ўзбекистонда истиқлол йилларида мисли кўрилмаган юксакликларга кўтарилди. Шу тарзда Ватанимиз тарихининг Амир Темур фаолияти билан бошланган янги зарварақлари очилди.

Маълумки, Ўрта Осиё мамлакатлари ва халқларининг кўп минг йиллик бой ўтмиши бутун жаҳон цивилизациясининг тарихи саҳифаларида ўзининг мумтоз ўрнига эга. Бу тарихнинг унутилмас саҳифаларидан аксарияти эса ўрта асрларда яшаб ўтган Амир Темур ва Мирзо Улуғбек каби буюк сиймоларнинг номи билан боғлиқ ва жаҳон аҳлига кенг миқёсда маълум.

Бинобарин, Амир Темурнинг зиммасига нафақат Шарқ мамлакатлари ва халқларининг тарихига, балки кўп жиҳатлардан бутун башарият тақдирига янги ва муҳим саҳифалар битиш вазифаси юкланган эди [Асқаров. 1996, 5 б].

Йирик, яхши қуролланган ва ҳаракатчан кўшиннинг ташкилотчиси ҳамда моҳир раҳбари, жаҳон миқёсидаги даҳо саркарда сифатида Амир Темуринг ажойиб ва беқиёс фазилатлари аллақачонлар кенг кўламда эътироф этилган. Ҳарбий ҳаракатларининг ўзига хос стратегия ва тактикаси давлат

арбоби, моҳир сиёсатчи, доно ва серғайрат ҳукмдорнинг темир иродаси ҳамда табиий салоҳияти билан уйғунлашган ҳолда Амир Темурга Шарқда Ғарбий Олтойдан тортиб Ғарбда Ўрта ер денгизи соҳилларига қадар бўлган ҳудудда улкан салтанатни барпо қилиш ва бошқариш имконини берди.

Кўҳна ва бой тарихимиздан аёнки, XIV-XV аср охирида Темур ва темурийлар давлати маркази-Мовароуннаҳр жуда кўп қарвон йўллари орқали Европа, Яқин ва Узоқ Шарқнинг йирик шаҳар ҳамда мамлакатлари билан боғланган эди. Серғайрат кўчманчилар, турли мамлакатларнинг журъатли савдогарлари ва қўрқмас сайёҳлари томонидан анча илгари ва кўриб ўтилаётган даврда асос солинган ушбу йўллар Темур ҳамда темурийлар давлатининг сиёсий, иқтисодий алоқаларини амалга оширадиган асосий алоқа йўллари эди. Бинобарин турли мамлакатлардан Мовароуннаҳр томон борадиган қарвон йўллари темурийларнинг ҳарбий юришлари учун ҳам хизмат қилган. Ўз олдига буюк давлат яратишни мақсад қилган Темур ўша пайтдаги қарвон йўлларининг аҳамиятини билган эди ва ундан ўз ташқи сиёсатида усталик билан фойдаланди.

Ўрта асрлар тарихидан бизга маълумки, XIV асрда Мовароуннаҳрнинг шимол томондаги йирик иқтисодий ва сиёсий қўшниси Олтин Ўрда эди. У жуда кенг ҳудуддаги: Прут-Днестр дарёлари оралиғи, Днестр-Днепр дарёлари оралиғи, Днепр, Дон ва Волганинг чап қирғоқ ҳавзалари, Шимолий Кавказ, Волга-Урал дарё оралиғи, Хоразмнинг катта қисми, шимолий ва Жанубий Қозоғистон, Ғарбий Сибирдаги кўплаб шаҳар ҳамда қишлоқларни бирлаштириб турган [Егоров. 1985. Стр.79,140.].

Мовароуннаҳр марказлари муайян даврларда Олтин Ўрда таркибига кирувчи йирик марказлар билан мустаҳкам иқтисодий-савдо алоқаларига эга бўлган. Ўша марказлар таркибига жумладан Сарой, Саройчиқ, Эски Қозон, Ҳожи Тархон, Тюмен (Чинги Тўра), Сигноқ, Саброн, Ясси, Ўтрор ва бошқалар кирганлигини таъкидлаш жоиз [Асқаров. 1996, 154 б.].

Мовароуннаҳрнинг йирик савдо ва ҳунармандчилик марказларидан Сирдарё олди шаҳарларига боровчи қарвон йўли нисбатан гавжумроқ бўлар

эди. Воҳа хунармандлари ва кўчманчиларнинг маҳсулот алмашишга бўлган қонуний эҳтиёжи ушбу йўлнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Ушбу даврда мазкур йўл пойтахт шаҳар-Самарқанддан бошланган.

“Самарқанд шаҳри,-деб ёзади Клавихо,-текис ерда жойлашган бўлиб, атрофи қум тепаликлар ва жарликлар билан қопланган. У Севилья шаҳридан бир оз каттароқ. Шаҳар теварагида кўплаб уй-жойлар қурилган. Унинг атрофини бутунлай боғ ва узумзорлар қоплаб олган. Боғлар баъзи жойларда бир ярим-икки лига масофага чўзилиб кетади” [Руи Гонсалес де Клавихо. 2010, 198 б.].

Кастилиялик элчи яна қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: “Бу шаҳар ва унинг атрофидаги ерлар шундай тўкин-сочинки, ҳайрон қолмаслик мумкин эмас. Ана шундай бойликлари бор учун ҳам у Самарқанд деб аталади. Унинг ҳақиқий номи Семизкент бўлиб, бадавлат қишлоқ деган маънони беради, негаки уларда семиз дегани катта-бой, тўла деган маънони билдиради, кент эса-қишлоқдир. Ана шундан Самарқанд деган ном келиб чиққан. Унинг бойлиги фақат озиқ-овқат билан ўлчанмайди, балки бу ерда ипак, атлас, камоканье, сендал, шойи каби матолар кўплаб тўқиб чиқилади; мўйна ва ипакдан астарликлар, турли хил сургичлар, зираворлар, шунингдек, тилларанг ва зангори бўёқлар ва ҳоказо бошқа моллар кўпдир” [Мўминов И. 1993, 30 б.].

Дарҳақиқат, темурийлар даврида Олтин Ўрданинг жанубий-шарқий чегарасида жойлашган шаҳарларга йўл олган савдогарлар XIV-XV асрлардаёқ йўл бўйлаб янги карвонсарой ва қўнимгоҳлар барпо этилишига қарамай узоқ ҳамда машаққатли йўлни ўтишига тўғри келган. [Асқаров. 1996, 155б.]. Уларнинг дам олиб ҳордиқ чиқарадиган энг биринчи жойи Темур ихтиёри билан асос солинган Шероз қишлоғи бўлган.

Мазкур йўл бўйлаб савдогарлар кенг ва қурғоқ Жиззах чўллари орқали юришган. Бу йўл эса уларни Сирдарё қирғоқларига олиб чиқар эди. Чинозда дарё орқали ўтишган савдогарлар Тошкентга етиб келишган. Мирзо Улуғбек

Чиноз кечуви орқали Хўжанд дарёсидан ўтди, деб таъкидлайди Абдураззоқ Самарқандий [Абд ар-Раззак Самарқанди. 1988. Стр.172,179].

Самарқанддан Сирдарё олди шаҳарларига борувчи бошқа йўллар ҳам мавжуд бўлган. Бу тўғрида Темур томонидан 1404 йил Ўтрор орқали Хитойга юриш пайтида танланган йўл ҳам гувоҳлик беради. Шарофуддин Али Яздийнинг тарихий баёнидан шу нарса аниқланадики, мазкур йўл Самарқанддан Ўтрорга Илоўтти, Қорабулоқ орқали ўтган. Кейинроқ, XVI аср бошида Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам ушбу аҳоли манзилларига тўхтаб ўтган [“Бобурнома”, 2019,636.]. Йўлнинг давоми-Тошлоқ, Оқсулот, Узун ота, Пўлат хўжа шайх кўнимгоҳи, Суткент, Камарши ота, Султон шайх ва ундан Зарноқ қишлоғига ўтилган. Шу ердан Сирдарёга борилган. Айни жойда йўловчилар дарёдан кечишлари ва Ўтрорга қараб юришлари керак бўлар эди. Шунини айтиш лозимки, ана шу йўл ҳақида қадимги манбаларда ҳам қайд этилган [Асқаров. 1996, 155 б.].

Самарқанд ва Бухорони Сирдарё олди шаҳарлари билан бошқа йўллар ҳам боғлаган. Улардан бири Темур давлати пойтахтидан бошланиб Жиззах дашти орқали ўтган. Ушбу йўлдаги муҳим савдо нуқталаридан бири Арқуқ кўрғони бўлган. Шу ерда Самарқанд ва Бухоро савдо йўллари туташган. Аммо Бухородан ва Арқуқгача мустақил йўл ҳам бор эди.

“Арқуқ-Туркистоннинг чегара кўрғонидир. Зотан, Бухоро ва Самарқанддан Туркистон вилояти йўлига чиққан ҳар бир кишининг илк бор тунайдиган жойи мана шу қалъа” эди [ Фазлаллах ибн Рузбихан. 1976. Стр.73].

Ушбу йўл бўйлаб Бухородан Туркистон тарафга чиққан савдогарлар жуда кўп жойларни жумладан, қурғоқ Бухоро даштини босиб ўтиши керак бўлган. Бу йўлдаги илк қўналға Қасри Орифон Бухородан икки фарсах нарида жойлашган. Кейинги тўхтаб жойлари эса Бўғози диҳ ва Ғиждувон саналган, йўлнинг давоми эса деярли кўпроқ чўлдан иборат бўлган.

Мовароуннахрнинг Самарқанд, Бухоро каби шаҳарлари Олтин Ўрда шаҳарлари билан Хоразм худуди орқали ўтадиган йўллар билан ҳам туташган.

Мовароуннахрнинг йирик шаҳарларидаги ҳунарманд-усталар томонидан ясалган турли-туман ажойиб буюмлар ортилган савдо карвонлари Волгабўйи ва ундан Европанинг шимоли-ғарбига йўл олишган. Савдогарлар одатда бир неча йўллар ичидан сиёсий жиҳатдан барқарор бўлган, шунингдек йил фаслларидаги иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда энг қулайини танлашган. Шимоли-ғарбий йўналишдаги йўлга отланган карвонлар учун катта ва қийин тўсиқ бу Амударё эди.

Карвон кузатувчиларининг журъати ва топқирлиги туфайли савдогарлар дарёдан ўтишда кечувлардан оқилона фойдалана билганлар. Энг йирик ва муҳим манзилгоҳ Омуддаги кечув бўлган. Ушбу жойдан бошлаб Амударё соҳиллари ёқалаб Испас, Тахт, Тоҳирия, Дарғон ота, Жигарбанд, Садвар, Ҳазорасп қўнимгоҳлари орқали ўтар эди [Асқаров. 1996, 158 б.].

Самарқанд ва Бухородан чиққан карвонлар Ҳазораспда дарёдан кечиб Кўкертли, Хонқа, Қиёт орқали ҳам ўтган. Охириги кечув жойи XIV-XV асрда Мовароуннахр аҳолиси ўртасида анча танилган эди. Айнан мана шу йўл орқали Темур Хоразмга юришларини (биринчи ва учинчиси) амалга оширганди. Бу йўл Қиёт ва Бухоро оралиғидан ўтган [ Гулямов Я.Г. 1957. Стр.94].

Хулоса қилиб айтганда, XIV-XV аср охирида Мовароуннахрни маълум мамлакатлар билан ижтимоий-иқтисодий, баъзи ҳолларда сиёсий ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган карвон йўллари боғлаган эди. Мазкур тарихий йўллар бир-биридан иқтисоди, халқ турмуш тарзи, дини, маънавий ва моддий маданияти жиҳатдан фарқланувчи мамлакатларнинг ўзаро алоқасини ривожлантиришга имкон яратди. Ушбу шароитда карвон йўллари савдо, дипломатик ва бошқа алоқаларнинг амалий вазифасини бажара туриб, айтилган вақтда мамлакат ва халқларнинг ўзаро иқтисодий ва маданий таъсирини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Асқаров А. Темур ва Улуғбек даври тарихи. Т.: Қомуслар Бош тахририяти, 1996.
2. Егоров В.Л. Историческая география Золотой Орды в XIII-XIV вв. М., 1985.
3. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). Т.: “O’ZBEKISTON” NMU, 2010.
4. Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т. : “Фан”, 1993.
5. Абд ар-Раззак Самарқанди. Матлаъ ус-саъдайн. Извлечения // Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX в. Т., 1988.
6. Захириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”, Т.: “Фан”, 2019.
7. Фазлаллах ибн Рузбихан. Михман-нама-йи Бухара. М., 1976.
8. Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времён до наших дней. Т., 1957.